

УДК 616.742.7-612.017.2:[616.314-089.843:616.314-76]
**Кўприксимон протез ўрнатилган беморларнинг
социологик таҳлили**

Сафаров Мурод Тошпулатович

Тошкент давлат стоматология институти Госпитал ортопедик соматология
кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори,

Ширинова Шахриноз Садриддин қизи

Тошкент давлат стоматология институти Ортопедик
соматология магистранти.

<https://orcid:0009-0005-1607-3911>

Аннотация

Тадқиқот мақсади. Дентал имплантлар асосидаги олинмайдиган протезни қўйишдан олдин ва кейин чайнов мушакларидаги функционал ўзгариш даражасини беморларда ўтказилган сўровнома таҳлиллари орқали аниқлаш ва таққослаш.

Материаллар ва усуллар. 40 нафар беморга ортопедик стоматологик даволаш амалга оширилди. Тадқиқот давомида беморлар икки гуруҳга ажратилиб, ўргандик ва иккала гуруҳ беморларининг протезга мослашиш жараёнларини ўрганиш учун беморларга махсус анкета саволларини бериб натижаларни қайд этдик.

Натижалар. Сўровномага доир натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак аслида бундай сўровноманинг мақсади беморларнинг протезга мослашиш даврида бўладиган ўзгаришларни парадонт тўқимаси оғиз бўшлиғи гигиенасига доир ва шу билан бирга мушак ва чакка пастки чағ бўғими қисмларидаги клиник ўзгаришларни ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш учун керакли саволларни 40 нафар беморларга тақдим этдик.

Хулоса. Беморларимизнинг фикрларидан келиб чиқган ҳолда металокерамик кўприксимон протез қулай, арзон, оғриқсиз, мослашиш даври 20 кундан 1 ойгача бўлган қисқа муддатни ўз ичига олади. Имплант тиш асосидаги протез қўйган беморларимиз фикрига кўра қиммат, мослашиш учун кўп вақт талаб этади яни 3 6 ойгача давом этади, кўпчилик операциядан қўрқади ва оғриқли бўлишини таъкидлайди, ҳаммада ҳам суяк тўқимасида имплантатция жараёни яхши кечмайди деб ўйлашади. Қуйидаги фикрлардан келиб чиқиб респондентларимизга малакавий тиш шифокорининг

тавсиясини тўлиқ бажариш ва риоя қилиш ноҳуш ҳодисалардан сақлашини тушунтирдик.

Калит сўзлар: Ортопедик стоматология, олинмайдиган кўприксимон протезлар, мушак тонуси сўровнома усули, дентал имплант, сациологик таҳлил.

Аннотация.

Цель исследования. Определение и сравнение уровня функциональных изменений жевательных мышц до и после установки несъемного протеза на основе дентальных имплантатов путем анализа анкет, проведенных у пациентов.

Материалы и методы. Ортопедическое стоматологическое лечение было проведено 40 пациентам. В ходе исследования мы разделили пациентов на две группы, изучали их и фиксировали результаты, задавая конкретные вопросы анкеты для изучения процессов адаптации пациентов обеих групп к протезу.

Результаты. Анализируя результаты анкетирования, целью данного опросника является изучение изменений в периоде адаптации пациентов к протезированию, гигиены тканей пародонта полости рта и одновременно клинических изменений в мышечный и височно-нижнечелюстной отделы и задали необходимые вопросы 40 пациентам.

Краткое содержание. По отзывам наших пациентов, металлокерамический мостовидный протез удобен, недорог, безболезнен, а период адаптации включает короткий период от 20 дней до 1 месяца. По отзывам наших пациентов, которым вживили протезы на основе зубов, адаптация занимает длительное время, т.е. длится до 3-6 месяцев, многие боятся операции и подчеркивают, что она будет болезненной, и все думают что процесс имплантации в костную ткань проходит плохо. Исходя из следующих моментов, мы объяснили нашим респондентам, что полное соблюдение и соблюдение рекомендаций квалифицированного стоматолога позволит предотвратить неосознанные события,

Ключевые слова: ортопедическая стоматология, несъемные мостовидные протезы, метод исследования мышечного тонуса, дентальный имплантат, социологический анализ.

Abstract.

Purpose of the study. Determination and comparison of the level of functional changes in the masticatory muscles before and after installation of a fixed prosthesis based on dental implants by analyzing questionnaires administered to patients.

Materials and methods. Orthopedic dental treatment was performed on 40 patients. During the study, we divided the patients into two groups, studied them and recorded the results by asking specific questionnaire questions to study the processes of adaptation of patients in both groups to the prosthesis.

Results. Analyzing the results of the questionnaire, the purpose of this questionnaire is to study changes in the period of adaptation of patients to prosthetics, hygiene of periodontal tissues of the oral cavity and at the same time clinical changes in the muscular and temporomandibular regions and asked the necessary questions to 40 patients.

Summary. According to reviews from our patients, a metal-ceramic bridge is comfortable, inexpensive, painless, and the adaptation period includes a short period from 20 days to 1 month. According to reviews from our patients who have had tooth-based dentures implanted, adaptation takes a long time, i.e. lasts up to 3-6 months, many are afraid of the operation and emphasize that it will be painful, and everyone thinks that the process of implantation into the bone tissue is going poorly. Based on the following points, we explained to our respondents that full compliance and adherence to the recommendations of a qualified dentist will prevent unconscious events,

Key words: orthopedic dentistry, fixed bridges, method of studying muscle tone, dental implant, sociological analysis.

Кириш. Мазкур тадқиқот дентал имплантларга асосланган тиш протезлари қўлланилиши натижасида чайнов мушакларидаги мослашиш жараёнини чуқур ўрганишга бағишланган. Шунингдек, ортопедия стоматологияси соҳасидаги таълим ва илмий тадқиқот ишларига қўшимча маълумот манбаси бўлиб хизмат қилади. Клиник тадқиқот 40 беморнинг суяк ичи имплантлар қўлланилган ва табиий тишлар асосидаги олинмайдиган кўприксимон металокерамик протезларга мослашувини таҳлил қилдик.

Долзарблик. Ортопедик стоматология амалиётида тиш қаторлари қисман нуқсони бўлган беморлар жуда кенг тарқалган. Жағларда бир нечта ёқотилган ёки тож қисми зарарланган беморларда мукамал тиш функцияларини тиклаш долзарб муаммога айланган [1,12].

Бундай беморни протезлашда кўплаб клиник омилларни ҳисобга олиш керак. Булардан: қолган тишлар сони, уларнинг жағда жойлашиши, периодонт қисмлари ҳолати, жағнинг тишсиз соҳаларида алвеоляр ўсиқ атрофияланганлик даражаси, протез қўйиладиган соҳадаги шиллиқ қаватнинг ҳолати ва мушаклар фаолиятига эътибор қаратиш керак [2,3,11].

Бугунги кунга келиб қисман тишсизликда протезлаш муаммосини замонавий шароитда ҳал қилиш дентал имплантларни қўллаш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Шу билан бирга энг мақбул конструкция имплант асосида олинган протез бўлиб, етишмаётган тишларни тиклаш имконини беради. Аниқланишича, протезлаш яқунлангандан сўнг чайнов мушакларнинг тонуси функционал жиҳатдан устун томонга ўзгариши вужудга келиб, мушаклар асимметрияси пайдо бўлишига сабаб бўлади [5,6,7]

Ҳозиргача беморларни ортопедик тузилмаларга мослашишнинг индивидуал даволаш комплексини режалаштиришда чайнов мушаклари тонуси тикланиш механизми ўрганилиши керак бўлган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади [8,4,9].


Мақсад. Дентал имплантлар асосидаги олинмайдиган протезни қўйишдан олдин ва кейин чайнов мушакларидаги функционал ўзгариш даражасини беморларда ўтказилган сўровнома таҳлиллари орқали аниқлаш ва таққослаш.

Материал ва методлар. Ушбу тадқиқотимиз 36 ёшдан 60 ёшгача бўлган 40 нафар шахслар орасида ўтказилган комплекс клиник ва махсус тадқиқот усуллари натижаларини ўз ичига олади, улардан 25 нафари аёллар ва 15 нафари эркеклардир. Барча беморларга 2023-2025 йиллар оралиғида ТДСИ ортопедик стоматология кафедрасида малакали ортопедик ёрдам кўрсатилди. Беморларнинг ўртача ёши эркеклар учун 56, аёллар учун 46 ёш атрофида. Тадқиқот давомида беморлар икки гуруҳга ажратилиб, ўрганилди. 1-гуруҳ беморларида суяк ичи имплантларга таянган металокерамик кўприксимон протез қўйилган. 2-гуруҳ беморларида табиий тишларга таянган металокерамик кўприксимон протез қўйилган. Булар иккала гуруҳ

беморларнинг протезга мослашиш жараёнларини ўрганиш учун беморларга махсус анкета саволларини бериб натижаларни қайд этдик

Натижалар. Сўровномага доир натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак аслида бундай сўровноманинг мақсади беморларнинг протезга мослашиш даврида бўладиган ўзгаришларни парадонт тўқимаси оғиз бўшлиғи гигиенасига доир ва шу билан бирга мушак ва чакка пастки чағ бўғими қисмларидаги клиник ўзгаришларни ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш учун керакли саволларни 40 нафар беморларга тақдим этдик. Бундан ташқари сўровномада демографик саволлар ва беморларнинг протезга доир тегишли фикрлари очиқ саволлар ва протезнинг беморлар учун афзалликлари келтириб ўтилган. Умумий ҳисобда сўровномада иштирок этаган беморлардан эркаклар сони 12 та, аёллар сони эса 28 та ташкил этди. (1-диаграмма)

Беморларнинг жинс кесимида тақсимланиши




1-диаграмма

Жинс кесимига ажратиб ўрганганимизнинг сабаби шундан иборатки аёлларда турли ҳил соматик касалликлар мавжудлиги эркакларда эса зарарли одатларнинг оғиз бўшлиғига таъсири юзасидан келиб чиқадиган касалликларни ҳисобга олдик. Бундан ташқари ёллар ва эркак органлар тузилишлари, физиологик кўрсаткичлар турлича эканлиги маълум.

Беморлар қуйидаги ёш гуруҳларига ажратадиган ҳолда таҳлил этилди: 18-44 ёшгача 4 нафар эркак бемор, 45-59 ёшгача 21 нафар аёл, 5 нафар эркак бўлиб, жами 26 тани ташкил этди. 60-74 ёшгача 2 нафар эркак ва 5 нафар аёл, жами 7 тани ташкил этди. 75-90 ёшгача 1 нафар эркак ва аёллардан 2 нафар жами, 3 тани ташкил этди. (2-диаграмма)

Респондентларнинг ёш кесимида




2-диаграмма

Сўровноманинг навбатдаги саволини таҳлил қиладиган бўлсак, беморларимиздаги олинмайдиган протез бўйича гуруҳларга бўлдиқ бунда имплант тиш устига қўйилган металокерамик кўприксимон протез 19 (47,5%) нафар беморда мавжуд унинг 14(35%) тасини аёллар ва 5 (12,5%) тасини эркаклар ташкил этади. Навбатдаги беморларимизда таянч тишлари устида олинмайдиган металокерамик конструкция ўрнатилган бўлиб уларни ҳаммаси 21 (52,5%) нафарни ташкил этади бу эса 14 (35%) нафар аёллар гуруҳига ва 7 (17,5%) нафар эркаклар гуруҳига бўлинади.(1-жадвал)

1-жадвал

Олинмайдиган протез асоси	жами	эркак	аёл
Имплант тиш устига ўрнатилган	19	5	14
Таянч тиш устига ўрнатилган	21	7	14

Маълумки, протез қўйилгандан сўнг беморларда турлича ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Мазкур диаграммада қуйидагиларни кўриш мумкин:



3-диаграмма

Протез қўйилгандан сўнг маълум муддат талаффузнинг ўзгариб қолганлигидан 20 нафар беморимиз ва овқатни чайнаш қийин бўлганлиги ҳақида эса 14 нафар беморлар шикоят қилишди. Бунинг асосий сабаби чайнов мушакларида ва лаб атрофидаги мушакларда тонуснинг ошиши ҳисобидан вужудга келган. Металокерамик протез қўйилгандан парадонт тўқимаси амартизацияси ошади ва оғирлик беради бунинг натижасида мушак босим билан ҳаракатланади ва тонус ортади чайнов мушаклари ва чакка пастки жағ бўғимида ўзгариш кузатилади. Албатта бу ҳодисанинг намоён бўлиши индивидуал бўлиб ҳар бир беморда турли ҳолатда кечади. (3-диаграмма)

Мушакларда чарчоқ малум бир муддат пайдо бўлиши ҳақида 5 нафар беморимиздан маълумот олдик, бу кўрсаткич асосан 60-90 ёш атрофидаги беморларимизда учрайди. Чунки уларда мушакнинг босим билан ишлаши натижасида мушакларда бўшашиш даври кузатилади, бу мушакнинг дам олиш фазаси деб аталади ва мазкур ҳолатда мушаклар қўзғалиб қайта тикланиши ва адаптацияга тайёрланиши керак. Айнан мана шу ҳолат катта ёшдаги инсонларда кечроқ кечади чунки уларда мушакларнинг тикланиши қийинроқ содир бўлиши ҳисобидан. Чакка пастки жағ бўғимида оғриқ пайдо бўлгани ҳақида 2 нафар беморимиздан маълумот олдик. Демак бундай ўзгариш протезга мослашиш даврида кўпчиликда учрамайди. Чунки протезнинг адаптация даври бўғимга ёмон таъсир кўрсатмаслиги керак. Агарда оғриқ хисси кучайиб бораверса марказий окклюзияни қайтиб аниқлаш керак ва тишлов баландлиги нормада бўлмаса бундай ҳолат кузатилиши мумкин. Биз текширган беморлар бўғимида артрит ва артроз каби касалликларга мойиллик борлиги

аниқланди. Бу ҳолат протез қўйилганда имплантация даврида суяк остеоинтеграция жараёнларига ўз тасирини кўрсатади.

Яна бир гуруҳ беморларимиз олинмайдиган протез қўйилгандан сўнг гапиришга қийналганлари ҳақида айтишди. Бу 3 нафар беморда кузатилган, шунга мос равишда 3 нафар беморда протезга мослашиш даврида умуман ўзгариш бўлмаган ва қийин кечмаганини 3 нафар беморимиз таъкидлаб ўтишди. Бундай беморларимизда чайнов мушакларнинг қўзғалиши ва тикланиши тез кечади ва адаптацияси учун жуда қисқа муддатларда амалга ошади. Шунинг учун ҳам бундай беморларда ножўя тасирлар кузатилмайди.

Сўровномадаги навбатдаги саволини таҳлил қиладиган бўлсак, беморларимизда олинмайдиган протез қўйилгандан сўнг мослашиш даври қанча муддат давом этганлиги ҳақидаги натижаларни олдик. Бунга асосан кўпчилик беморларимиз яни 29 нафар (72.5%) 20 кунда мослашиб ўрганиб қолишини белгилашган. 10 кун давом этишини 3 нафар (7.5%) бемор шунга ўхшаш 1 ой давомида мослашиш белгилари намоён бўлишини 3 нафар (7.5%) беморларда бўлиши иниқланди. 1-2 ой давомида 4 нафар (10%) беморларимизда протезга мослашиш даври кечганлиги аниқланди. Бунинг сабаби айрим беморларимизда имплант қўйилгандан сўнг остеоинтеграция ва адаптация жараёнлари жуда секин кечганлиги сабаб протезга кўникиш кўпроқмуддат давом этган. Бундан ташқари 1 нафар беморимиздан (2.5%) протезга мослашиш жараёни 3-4 ой давом этганлиги ҳақидаги малумотни олдик.(2-жадвал)

2-жадвал

Беморларда протезга мослашиш даврининг давом этиш муддати			
	Мослашиш даври	Беморлар сони	Ҳоизда
.	20 кунда	29 нафар	72,5%
.	10кунда	3 нафар	7,5%
.	1 ой	3 нафар	7,5%
.	2 ой давомида	4 нафар	10%
.	3-4 ой давомида	1 нафар	2,5%
	Жами	40	100%

Хулоса. Сўровнома таҳлилларини хулосалайдиган бўлсак, беморларимизнинг фикрларидан келиб чиқган ҳолда металокерамик кўприксимон протез қулай, арзон, оғриқсиз, мослашиш даври 20 кундан 1 ойгача бўлган қисқа муддатни ўз ичига олиши учун кўпчилик беморлар афзал кўришларини айтишди. Аммо бунда тишлар кўп чархланиши, мутаҳкам туриши учун соғлом тишлардан фойдаланиб кўприксимон конструкция ўрнатилиши таянч тиш устига қўйилган металокерамик кўприксимон протезнинг камчилиги бўлиб ҳисобланади. Имплант тиш устига ўрнатилган протезнинг афзалликлари эса эстетик жиҳатдан юқори баҳоланади, ўта мустаҳкам, сифатли, доимий каби кўплаб афзалликларга эга. Бундан ташқари беморларимиздан инсон ёши ўтгани сари тишлар тўкилиб кетади имплант тиш эса мустаҳкамлигини йўқотмайди ва протез ҳам чипойли туради каби хулосаларни олдик. Аммо имплант тиш ўрнатилишида турли ҳил камчиликлар бор бўлиб, беморларимиз фикрига кўра қиммат, мослашиш учун кўп вақт талаб этади яни 3-6 ойгача давом этади, кўпчилик операциядан кўрқади ва оғриқли бўлишини таъкидлайди, ҳаммада ҳам суяк тўқимасида имплантация жараёни яхши кечмайди деб ўйлашади. Қуйидаги фикрлардан келиб чиқиб респондентларимизга малакавий тиш шифокорининг тавсиясини тўлиқ бажариш ва риоя қилиш ноҳуш ҳодисалардан сақлашини тушунтирдик.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Абдурахманов А.И. Курбанов О.Р. Ортопедическая стоматология. Материалы и технологии. 3-е изд., перераб. и доп. Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2016. – 352 с.
2. Захаров К.В. Клинико-функциональная оценка и профилактическое значение протезирования на имплантатах: Диссертация на соискание ученой степени кандидат медицинских наук – Москва, 2006. – 141 стр.
3. Зекий А.О. Аппаратная оценка жевательной функции в прогнозе адаптации к ортопедическим конструкциям с опорой на дентальные имплантаты // Клиническая стоматология. – 2017. – №2. – 28-29 с.
4. Лебеденко И.Ю., Арутюнов С.Д., Ряховский А.Н. Ортопедическая стоматология. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2016. – 824с.
5. Лебеденко И.Ю., Каливградиян Э.С. Учебник ортопедическая стоматология. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2016. – 640 стр.

6. Курбанов О.Р., Абдурахманов А.И., Абакаров С.И. Ортопедическая стоматология (несъемное зубное протезирование). – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2015. – 456 с.
7. Матаев З.А. Особенности биомеханики височно-нижнечелюстного сустава в зависимости от патологии жевательно-речевого аппарата. Автореферат и диссертация по медицине. – Москва, 2009. – 100 с.
8. Садыков М.И., Нестеров А.М. Оценка адаптации больных с малым количеством зубов на нижней челюсти к съемным протезам с фиксацией на имплантатах по данным электромиографии жевательных мышц // Вестник медицинского института РЕАВИЗ. – 2012. – № 3-4. – 52-56 с.
9. Сафаров М.Т. Клинико-патогенетическое обоснование эффективности различных методов протезирования на дентальных имплантатах: Диссертация на соискание ученой степени доктора медицинских наук. – Тошкент, 2020. – 212 стр.
10. Токаревич И.В. и др. Основы ортодонтии.–Минск:БГМУ,2010.–107 с.
11. Шаммурина В.Р. Механизми адаптации пациентов к протезам с опорой на имплантаты при полном отсутствии зубов на нижней челюсти. Автореферат и диссертация по медицине. – Москва, 2008. – 100 с.
12. Шеметов О.С., Мартиненко И.Н., Петренко Р.В., Рябушко Н.А. Функциональная оценка состояния жевательных мышц в процессе адаптации к полным съёмным протезам // Український стоматологічний альманах. 2016. № 3 (том 2). – 66-68 с.